



**ТУМАН (ШАҲАР) ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАЛАРИ
(БЎЛИМЛАРИ) БОШЛИҒИНИНГ ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА
ЎРИНБОСАРИНИНГ ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛДИДА
ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор**

Кадилов Фирдавсбек Кахрамонович

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-ўқув гуруҳи
курсанти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14901808>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 20th February 2025

KEYWORDS

*жамоат хавфсизлиги
хизмати, жамоат тартиби, ҳалқ
депутатлари олдида ҳисобот
беришнинг ҳуқуқий асослар.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, шаҳар – туман ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарининг ҳалқ депутатлари олдида ҳисобот бериш фаолиятини такомиллаштириш тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва шаҳар- туман ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарининг ҳалқ депутатлари олдида ҳисобот бериш фаолиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. шунингдек ҳозирги кунда мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар, ёритиб берилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат бошқарувининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ички ишлар органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг ҳалқ депутатлари кенгашлари олдида ҳисобот бериши шаффофлик ва жамоатчилик

назоратини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Ҳозирги кунда жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ички ишлар бошқармалари ва бўлимлари раҳбар ўринбосарларининг ҳисобот бериш фаолиятини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июль кундаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси¹да бир қатор таклифлар ва камчиликларни келтириб ўтган эди.

Жумладан:

Давлат ҳокимияти органлари, жумладан, иқтисодиёт, банк-молия соҳаси идоралари, коммунал хизмат, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизимининг парламент ва маҳаллий кенгашларда **ҳисобот ва ахборот бериш тартиби** йўлга қўйилиб, халқ назорати амалда жорий этилмоқда.

Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд.

Одатда парламент **вазирларнинг ҳисоботини** эшитади. Лекин **пастдаги бўғинда бу йўналишда ким ҳисобот беради?** Фақат марказ ёки вилоятда эмас, ҳудудларда ҳам ўзгариш бўлиши зарур. Хусусан,

2017 йилнинг ўтган даври мобайнида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан вазирлик ва идораларга юборилган жами 284 та депутатлик сўровидан 100 тасига қонунда белгиланган муддат бузилган ҳолда жавоб берилган, 24 тасига эса умуман жавоб берилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан қуйидаги таклифларни ҳам билдирган эдилар: Шу билан бирга, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида “Ҳукумат соати” институтини жорий этиш айтиш муддао бўлар эди. Шу тариқа йил бошида тасдиқланадиган режага **мувофиқ ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботи эшитилади** ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади. Олий Мажлис Сенатида эса барча даражадаги ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида ҳисоботларни эшитиш амалиётини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони²да ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган 9 та жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлаётганлиги таъкидланиб, айнан бешинчисида, “ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти”; деб кўрсатилган эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июль кундаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси., <https://president.uz/uz/lists/view/781>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3159827#edi7218797>

Мазкур Фармонда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин: Жумладан; “ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш” деб белгиланди.

Шунингдек, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати, шунингдек жамоат хавфсизлиги ҳақидаги ҳисоботлари эшитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшителиётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»³ги қонунининг **13¹-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги” келтирилган бўлиб унга кўра** Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади” деб кўрсатилган.

³ Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида» ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/3027843>

Ҳ.Қ. Бабаханов таъкидлаганидек, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятини ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, туман ва вилоят ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамкорликда ташкил этади.⁴ Деб келтириб ўтган.

Шаҳар- туман ички ишлар бўлим-бошқармалари бошлиғининг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарининг ҳалқ депутатлари олдида ҳисобот бериш фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчи: Ҳисоботларнинг тизимлиги ва аниқ мезонлар бўйича шакллантирилиши;

– Ҳар чоракда белгилаб қўйилган мезонлар асосида ҳисоботларни расмийлаштириш;
– Ҳисоботларни рақамли форматга ўтказиш ва онлайн тақдим этиш имкониятини жорий этиш.

Иккинчи: Жамоатчилик фикрини инobatга олиш:

– Ҳисобот бериш жараёнида маҳалла фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қилиш;
– Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва ҳисоботларда уларни инobatга олиш;
– Халқ депутатлари кенгашларининг таклиф ва тавсияларини бажариш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш.

Учинчи: Ҳисобот жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш

– Ҳисоботлар расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши;
– ОАВ вакиллари иштирокида жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш;
– Ҳисобот натижалари бўйича жамоатчилик фикри асосида келгуси стратегияларни белгилаш.

Тўртинчи: Ҳисобот жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш

– Жамоат хавфсизлиги бўйича таҳлилий ахборот тизимларини жорий қилиш;
Қисқача айтганда шаҳар – туман ички ишлар бўлим-бошқармалари бошлиғининг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарининг ҳалқ депутатлари олдида ҳисобот бериш фаолиятини тизимини такомиллаштириш ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жиноятчиликка қарши курашиш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Ҳисобот бериш жараёнининг очиқлиги ва тизимлиги жамоат хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июль кундаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси., <https://president.uz/uz/lists/view/781>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3159827#edi7218797>

3. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида» ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/3027843>

⁴ Qadamovich, Babaxonov Hamdam. " Profilaktika inspektorining tarbiyasi og'ir bo'lgan voyaga yetmaganlar bilan ishlash faoliyatini tashkil yetish bo'yicha ilg'or xorijiy davlatlar tajribasi ". Yevroosiyo Akademik tadqiqotlar jurnali 4.4-1 (2024): 95-100.

4. Babaxonov Hamdam Qadamovich,. "Profilaktika inspektorining tarbiyasi og'ir bo'lgan voyaga yetmaganlar bilan ishlash faoliyatini tashkil yetish bo'yicha ilg'or xorijiy davlatlar tajribasi". Yevroosiyo Akademik tadqiqotlar jurnali 4.4-1 (2024): 95-100.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами

